

## ХИТОЙГА ХОС АҚЛ МАРКАЗЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

А.А.Наврўзова

*Шарқшунослик мустақил изланувчиси*

**Аннотация:** Мамлакатнинг давлат бошқаруви ва ижтимоий-иқтисодий сиёсатини шакллантиришида, унинг илмий асосини яратишида тегишли соҳаларнинг етакчи мутахассисларига мурожаат қилиш, ушбу жараёнга уларни кенгроқ жалб этишини тақозо этади. Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан янги турдаги ақл марказлари фаолиятини ташиқил этиши ҳамда уларни давлат бошқарувига оид қарорларни қабул қилиш жараёнига жалб этилишини фаоллаштириши тарихий зарурат, илмий асос ва юқори самарадорлик кўрсаткичларига эришиши истаги билан изоҳланган. Бу борада маҳаллий ҳукумат қисқа вақт давомида ақл марказлари фаолиятини ташиқил этиши, уларнинг моддий техник базасини яхшилаш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида ўрнини ошириши бўйича кенг қамровли самарали чора-тадбирларни амалга оширган.

**Калит сўзлар:** хитойга хос янги турдаги ақл марказлари, мафкуравий инновациялар, янги фикрлар, давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий сиёсат.

**Аннотация:** При формировании социально-экономической политики страны и создании ее научной основы государственного управления, требуется обращение к ведущим специалистам соответствующих областей, также более широкое их вовлечение в этот процесс. Правительством Китайской Народной Республики создание аналитических центров нового типа и активизация их вовлечения в процесс принятия решений государственного управления объясняется исторической необходимостью, научной основой и стремлением достичь высокой эффективности. В связи с этим местным правительством в короткий срок были реализованы комплексные и эффективные меры по организации деятельности аналитических центров, улучшению их материально-технической базы, повышению их позиций в социально-экономической политике страны.

**Ключевые слова:** аналитические центры нового типа с китайской спецификой, идеологические инновации, новые идеи, государственное управление, социально-экономическая политика.

**Abstract:** For forming the state social-economic policy and creating a scientific basis for public administration, it is necessary to turn to leading experts in the relevant fields, as well as their wider involvement in this process. The Government of the People's Republic of China explains the creation of new-type think tanks and the activation of their involvement in the decision-making process of public administration by historical necessity, scientific basis and the desire to achieve high efficiency. In this regard, the local government in a

*short time implemented comprehensive and effective measures to organize the activities of think tanks, improve their material and technical base, and enhance their position in the state social-economic policy.*

**Keywords:** *new-type think tanks with chinese characteristics, ideological innovations, new ideas, public administration, social-economic policy.*

Хитой Халқ Республикасида (ХХР) давлат бошқаруви режали сиёсат юритишга асослангани боис, Коммунистик партия бошқарув органи томонидан қабул қилинадиган дастур ва стратегиялар реал истиқболдаги натижаларни кўзда тутди. Қабул қилинадиган ҳужжатлар етакчи мутахассислар томонидан ҳар томонлама илмий асосланиб, муҳокамадан ўтгандан сўнг амалиётга жорий этилади. Ушбу жараёнда хитойга хос ақл марказлари ҳам фаол иштирок этади.

Хитойга хос янги турдаги ақл марказларининг шаклланиши ва ривожланиши мамлакатда жадал амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим қисми саналади. Хитой Коммунистик партияси (ХКП) 18-Умумхитой съездидан бошлаб ХХР Раиси Си Цзиньпин КПК Марказий қўмитаси хитойга хос янги турдаги ақл марказларини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қарата бошлади. Таъкидлаш лозимки, бунда «ақл марказлари» тушунчаси илк маротаба ХКП Марказий қўмитаси ҳужжатида тақлиф этилди.<sup>10</sup>

Хитойга хос янги турдаги ақл марказлари - давлат сиёсати ва стратегик масалалар билан шуғулланувчи, ХКП ва ҳукуматга илмий, демократик ва ҳуқуқий қарорлар қабул қилишга қўмаклашувчи ношароит тадқиқот маслаҳат ташкилоти саналади.<sup>11</sup>

ХХРдаги иқтисодий вазият бўйича экспертлар симпозиумида иштирок этган Си Цзиньпин жамиятнинг барча қатламлари ҳамда жабҳаларидан бўлган олимлар ва мутахассисларнинг фикрларини тинглаш муҳимлига алоҳида урғу берган. Шу орқали жамланган фикрлар институционаллаштирилиб, келгусида ХКПнинг миллий бошқарув фаолияти ва имкониятларини яхшилашга хизмат қилишини таъкидалаган.<sup>12</sup>

Ислохотларни ҳар томонлама жадаллаштириш бўйича Марказий бошқарув гуруҳининг 2014 йил 27 октябрда бўлиб ўтган олтинчи йиғилишида «Хитойга хос янги ақл марказлари фаолиятини ташкил этишни кучайтириш бўйича фикрлар» муҳокама қилинди. Муҳокамалар давомида Си Цзиньпин давлат бошқарувида барча тармоқ ва соҳалардаги фикр-мулоҳазаларга эътибор қаратиш муҳимлигини айтиб

<sup>10</sup> 刘西忠. 新型智库推动国家治理现代化的多重维度 2019年12月09日 11:41:12 来源: 光明日报. // [Электрон ресурс] [http://www.qstheory.cn/llwx/2019-12/09/c\\_1125324421.htm](http://www.qstheory.cn/llwx/2019-12/09/c_1125324421.htm)

<sup>11</sup> 中共中央办公厅、国务院办公厅印发《关于加强中国特色新型智库建设的意见》

中央政府门户网站 [www.gov.cn](http://www.gov.cn) 2015-01-20 18:22 来源: 新华社 // [Электрон ресурс] [https://www.gov.cn/xinwen/2015-01/20/content\\_2807126.htm](https://www.gov.cn/xinwen/2015-01/20/content_2807126.htm)

<sup>12</sup> 人民网: 习近平为何特别强调“新型智库建设”? 时间: 2014-10-29 来源: 责任编辑 // [Электрон ресурс] <https://www.chinalaw.org.cn/portal/article/index/id/21353.html>

ўтган. Ушбу зарурат ислохотлар ва ривожланишга эришиш учун ечимини кутаётган вазифаларнинг мураккаблиги, шу боис уларга самарали ечимлар топиш учун ҳукумат кучли илмий кўмакка муҳтож бўлиши билан изоҳланган.<sup>13</sup> Бу стратегик нуқтаи назардан илмий ва демократик қарорларни қабул қилишга кўмаклашиши, миллий бошқарув тизими модернизациясини жадаллаштириши, мамлакат олиб бораётган «юмшоқ куч» сиёсатининг мустаҳкамланишига хизмат қилиши лозим эди.

Кейинроқ хитой ҳукумати томонидан 2015 йил 20 январь куни эълон қилинган «Хитойга хос янги ақл марказлари фаолиятини ташкил этишни кучайтириш бўйича фикрлар» муҳим амалий қадам бўлди. Мазкур ҳужжат орқали бошқарув қарорларини қабул қилишда ақл марказлари иштирокини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши кўзда тутилган.

ХХРда фаолият юритаётган ақл марказлари ўзида икки хусусиятни мужассамлаштиради: хитойга хослик ва янги турга мансублик. Хитойга хослик ХХР миллий мафкураси, тарихи, иқтисодий-ижтимоий сиёсати ва маданиятига асосланиб, миллий ривожланишга хизмат қилишга йўналтирилган фаолиятни англатади. Янги турга мансублик эса янги механизм ва модел асосида тадқиқот олиб боришни назарда тутади.<sup>14</sup>

Ўз навбатида, хитой экспертлари ҳамжамияти томонидан ақл марказлари ва олимларни «юмшоқ куч» сиёсатининг муҳим қисмига айланиб бораётгани эътироф этилмоқда. Қолаверса, жаҳонда мураккаблашиб бораётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазият, шунингдек, турли глобал таҳдидлар тобора илмий асосланган самарали ечимларни излаб топишни тақозо этаётгани ҳам кузатилмоқда.

ХХР Давлат Кенгаши қошидаги Ривожланишни тадқиқ этиш маркази вакили Ли Вэй, ақл марказлари замонавий давлат бошқарув тизимининг ажралмас бўлаги бўлгани туфайли уларни такомиллаштириш вақт талаби ҳисобланишини таъкидлаган. Шу боис, олимлар ва илмий ҳамжамият ҳукумат томонидан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларига таъсир ўтказувчи кучга айланмоқда.

ХХР Давлат Кенгаши қошидаги Ривожланишни тадқиқ этиш маркази Давлат бошқаруви ва инсон ресурслари институти вакили Ли Гоцянь, хитойга хос янги турдаги ақл марказлари фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган механизмни яратишда давлат ва хусусий ташкилотлар томонидан амалга оширилувчи бошқарув, фаолиятнинг очиклиги ва махфийликни назарда тутувчи жиҳатлари, фикрларнинг хилма-хиллиги ва бирлиги каби жабҳаларни назарда тутиш лозимлигини билдирган.

Хитойнинг Женминь университети қошидаги Ривожланиш ва стратегия миллий институти вакили Ван Лили фикрича, янги турдаги ақл марказлари фаолиятининг асосий мақсадларидан бири илғор фикрлар жамланмасини яратиш ва амалиётга

<sup>13</sup> 人民网：习近平为何特别强调“新型智库建设”？时间：2014-10-29 来源：责任编辑 // [Электрон ресурс] <https://www.chinalaw.org.cn/portal/article/index/id/21353.html>

<sup>14</sup> 杜志章 欧阳康. 杜志章：中国特色新型智库建设这十年——回顾、反思与展望

时间:2024-06-13 来源:《决策与信息》// [Электрон ресурс] <https://www.hnzk.gov.cn/zhikuyanjiu/19829.html>

жорий этиш саналади. Мафкуравий инновациялар ва янги ғояларни самарали бошқариш тизими бир-бирини тўлдирувчи ҳамда бошқарувчи икки қанокга қиёсланади. Ушбу жараёнда ақл марказлари хитой орзусини амалга оширишга илмий жиҳатдан кўмаклашиши назарда тутилган.

2020 йилга келиб хитойга хос ақл марказлари фаолиятини ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш миллий бошқарув тизими модернизациясида муҳим ўрин тутди. Хитой илмий доиралари вакиллари орасида ақл марказларининг давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатида тутган ўрни ҳамда аҳамиятини ошириш борасидаги муҳокамалар жадал давом этди.

2020 йил 14 февралда бўлиб ўтган ислохотларни комплекс чуқурлаштириш бўйича Марказий кўмитанинг 12-сессиясида «Миллий юқори даражадаги ақл марказларини ташкил этиш бўйича намунавий ишларни чуқурлаштириш бўйича фикрлар (2020-2022 йиллар)» қабул қилиниб, унинг асосида 29 та миллий юқори даражадаги ақл марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Марказий ҳукумат топшириғига кўра, барча провинциялар (автоном ҳудуд, муниципалитетлар) ҳудудий партия кўмиталари томонидан юқоридаги каби ақл марказларини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

2021 йил 11 март санасида бўлиб ўтган 13-чақириқ Бутун хитой халқ вакиллари йиғилишининг тўртинчи сессиясида «ХХР миллий иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг ўн тўртинчи беш йиллик режаси» қабул қилиниб, унда 2035 йилга қадар ҳукумат томонидан эришилиши кутилаётган узоқ муддатли мақсадлар белгилаб олинди. Ушбу ҳужжатда яна бир бор хитойга хос янги ақл марказларини фаолиятини ташкил этиш заруратини қайд этилиб, улар олдидаги асосий вазифа Хитой мафқурасига асосланган замонавий давлат қуришда илғор фикр ва прагматик стратегик ечимлар асосида комплекс кўмаклашиш экани таъкидланган.

Марказий ҳукумат томонидан яратилган норматив асос Хитойда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг консултатив тизимини модернизация қилиш жараёнига ижобий таъсир ўтказди. Шу асосда сиёсий фикрлар бозори мисли кўрилмаган ижобий динамикани намоён этиб, ақл марказлари фаолияти ва уларнинг натижадорлиги ортгани қайд этила бошлади.

Сўнги йилларда Хитой ҳукуматининг хитойга хос ақл марказлари фаолиятини ташкил этиш борасидаги саъй-ҳаракатлари жадал давом этаётгани кўзга ташланмоқда. Бироқ ушбу йўналишда Хитой илғор ғарб мамлакатларидан ортда қолаётгани қайд этилмоқда. Шу боис, марказий ҳукумат давлат идоралари таркибидаги илмий тадқиқот бўлимлари, университетлар ва ижтимоий фанлар академияси тасарруфидаги ақл марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратмоқда.

ХХРнинг Нанжинг университети қошидаги Хитой ақл марказларини ўрганиш ва баҳолаш маркази томонидан эълон қилинган «Chinese Think Tank Index» маълумотларига кўра, 2020 йил якунида мазкур индексга киритилган Хитой ақл марказлари сони 940 тани ташкил этиб, шундан университетлар қошида 663 та,

партия ва ҳукуматга тегишли 71 та, Ижтимоий фанлар академияси тасарруфидаги 51 та, партия мактаблари (бошқарув мактаблари) таркибидаги 46 та, 39 та ижтимоий ва илмий-тадқиқот институтлари саналувчи турли ақл марказлари фаолият юритиши келтирилган. Шунингдек, рўйхатдан 36 та институт доирасидаги, 15 та оммавий ахборот воситалари, 13 та корпоратив ва 6 та ҳарбий ақл марказлари ҳам жой олган. «Chinese Think Tank Index» ақл марказларида тўлиқ иш кунда 3122 та тадқиқотчи ҳамда тўлиқмас иш кунда 12608 та тадқиқотчи фаолият юритиши келтирилган. Мазкур тадқиқотчилар турли йўналишлардаги 28642 та тадқиқот ва тадбирларда иштирок этиб, 178505 та ҳисобот ва тадқиқот натижаларини расмийлаштирганлар.<sup>15</sup>

Янги турдаги ақл марказлари анъанавийлари каби ҳукуматга илмий асосланган таклифларни тақдим этиш учун турли тадқиқотлар олиб боради. Қолаверса, улар жамоат фикрини бошқариш ҳамда хорижий тажриба алмашиш жараёнига юқори малакали кадрлар, тадқиқотчилар ва илмий ходимларни етиштириб берувчи муҳим база саналади.

Таъкидлаш жоизки, инновацион мамлакат ва шунга йўналтирилган стратегияни амалга ошириш учун илмий ва технологик инновациялар бўйича тадқиқотларга ихтисослашган ақл марказлари ташкил этилган. Корпоратив ва ижтимоий ақл марказлари тезкорлиги ҳамда бозорда юз бераётган турли жараёнлар юзасидан хабардорлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, улар турли хилдаги бошқарув моделлари, ўзгаришларга мослашувчан тизим ва механизмга эга эканига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

ХХРнинг янги турдаги ақл марказлари фаолияти давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис, уларнинг асосий фаолияти қуйидаги йўналишдаги тадқиқотларга асосланади: миллий ривожланиш стратегияси, давлат бошқаруви, миллий хавфсизлик ва жамоат иши, энергетик стратегия, макроиқтисодиёт ва молия масалалари, фан-техника ривожланиши ва ютуқлари, ташқи савдо ва бошқа халқаро муаммолар, Гонконг ва Макао масалалари, алоқа ва ахборот соҳаси, мудофаа ва ҳарбий соҳа, партия фаолияти ва унинг ривожланиши билан боғлиқ бошқа масалалар ва ҳоказо. Қолаверса, ақл марказлари жамоатчилик фикрини бошқариш, ташқи алоқалар, институционал ва механик инновациялар йўналишларида ижобий натижаларга эришаётганлари ҳам қайд этилмоқда.<sup>16</sup>

2022 йилнинг апрелида ХКП Марказий қўмитаси томонидан «14 - беш йилликда фалсафий ва ижтимоий фанларни ривожлантириш миллий режаси» эълон қилиниб, бошқарув қарорларини қабул қилишга, ижтимоий ва халқаро таъсирга эга қатор ақл марказлари фаолияти йўлга қўйилди.<sup>17</sup>

<sup>15</sup> 中国特色新型智库建设历程回瞻与展望（2015-2020）// [Электрон ресурс]

<https://cttrec.nju.edu.cn/cn/zxd/zxzx/20220926/i227912.html>

<sup>16</sup> 杜志章 欧阳康. 杜志章：中国特色新型智库建设这十年——回顾、反思与展望

时间:2024-06-13 来源:《决策与信息》// [Электрон ресурс] <https://www.hnzk.gov.cn/zhikuyanjiu/19829.html>

<sup>17</sup> 全国哲学社会科学工作办公室负责人就《国家“十四五”时期哲学社会科学发展规划》答记者问[N].光明日报,2022-04-28.

2022 йил августида эса ХКП Марказий кўмитаси ва Давлат кенгаши «Маданий ривожланиш бўйича 14-беш йиллик режа»ни кенг оммага очиклади. Мазкур хужжатда хитойга хос фалсафий ва ижтимоий фанлар гуруҳини ривожлантириш дастури назарда тутилиб, ушбу соҳаларнинг ривожланиш йўналишлари, концепцияси ва мақсадлари баён этилган.<sup>18</sup>

Ҳозирда Нанкин университети ташаббуси билан янги турдаги ақл марказлари фаолиятини ташкил этиш назарияси ва амалиётини ривожлантиришга қаратилган форум жамият фаровонлиги тамойилини амалга ошириш юзасидан олимларнинг илғор ғояларини жамлаш билан шуғулланиб келмоқда.<sup>19</sup> Қолаверса 2024 йил 25 октябрда бўлиб ўтган ақл марказларининг Тайшан форуми доирасида етакчи мутахассислар янги юқори сифатли ақл марказлари фаолиятини такомиллаштириш, мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, модернизацияни ҳаракатлантирувчи ишлаб чиқариш кучлари ва воситаларини жорий қилиш, шунингдек, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эришиш юзасидан ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашишган.<sup>20</sup>

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, сўнгги ўн йиллик фаолияти давомида хитойга хос янги турдаги ақл марказлари мустаҳкам асос, шиддатли ривожланиш, миқдор ва сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши ҳамда юқори натижадорликни намоён этиб келмоқда. Бироқ Ғарб мамлакатлари билан солиштирганда ХХРда ақл марказлари фаолиятини фаоллаштириш нисбатан кеч бошлангани, уларнинг тадқиқот йўналишлари ва услубиётини такомиллаштириш зарурати сақланиб қолаётганидан далолат бермоқда.

<sup>18</sup> 中办国办印发《“十四五”文化发展规划》[N].人民日报,2022-08-17.

<sup>19</sup> 关于召开2024年度新型智库治理论坛的启事. 日期: 2024-10-22 来源: 社会科学处. // [Электрон ресурс] <https://news.lzu.edu.cn/c/202410/116099.html>

<sup>20</sup> 高质量建设新型智库. 2024年10月30日 13:36 来源: 《中国社会科学报》2024年10月30日第3003期 作者: 记者张杰. // [Электрон ресурс] [http://sscp.cssn.cn/xkpd/gn/202410/t20241030\\_5797560.html](http://sscp.cssn.cn/xkpd/gn/202410/t20241030_5797560.html)